

10-10-2019

SOCIAL-CULTURAL FACTORS OF HUMAN SOCIALIZATION PROCESS

Bahromjon Boqijonovich Inatullaev

Acting Associate Professor, Department of Socio-Cultural Activities and Music Education at Namangan State University

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Inatullaev, Bahromjon Boqijonovich (2019) "SOCIAL-CULTURAL FACTORS OF HUMAN SOCIALIZATION PROCESS," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 10 , Article 30.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss10/30>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

SOCIAL-CULTURAL FACTORS OF HUMAN SOCIALIZATION PROCESS

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

ИНСОН ИЖТИМОЙЛАШУВ ЖАРАЁНИНИНГ ИЖТИМОЙ-МАДАНИЙ ОМИЛЛАРИ

Инатуллаев Бахромжон Боқижонович

Наманган давлат университети Ижтимоий-маданий фаолият ва мусиқа таълими
кафедраси доценти в.б.

***Аннотация:** Мазкур мақолада инсон ижтимоийлашув жараёнида ижтимоий-маданий омилларнинг ўрни таҳлил этилган. Шунингдек, ижтимоий-маданий омилларнинг намоён қилувчи институционал тузилмалар ҳақида маълумот берилди.*

***Калит сўзлар:** инсон, ижтимоийлашув, ижтимоий-маданий омиллар, маданият, санъат, бадиий тафаккур, эстетик тарбия, мактабдан ташқари таълим, маданият маркази*

СОЦИАЛЬНО КУЛЬТУРНЫЕ ФАКТОРЫ ЧЕЛОВЕКА В ПЕРИОД СОЦИАЛИЗАЦИИ

Инатуллаев Бахромжон Боқижонович

И.о. доцента кафедры социально-культурной деятельности и музыкального
образования Наманганского государственного университета

***Аннотация:** в данной статье даётся анализ социально культурные факторы человека в период социализации. А так же даётся сведения о институциональных систем показывающие социально культурных факторов.*

***Ключевые слова:** человек, социализация, социально культурные факторы, культура, искусство, художественная мышления, внешкольное образование, культурные центры*

SOCIAL-CULTURAL FACTORS OF HUMAN SOCIALIZATION PROCESS

Inatullaev Bahromjon Boqijonovich

Acting Associate Professor, Department of Socio-Cultural Activities and Music Education
at Namangan State University

***Abstract:** In this article the role of social-cultural factors in human socialization process is analyzed, information is given about institutional establishments providing these social-cultural factors.*

***Keywords:** human, socialization, social- cultural factors, culture, art, literal pondering, esthetic education, extracurricular education, the center of culture*

Ҳар қандай даврда жамият тараққиёти инсонларнинг ижтимоий фаоллик даражасига боғлиқ бўлиб, бу кўп қиррали ва узлуксиз давом этадиган жараён бўлганлиги билан характерланади. Инсоннинг ижтимоийлаштириш жараёнини ташкил этиш ва инсон ижтимоийлашувини таъминлаш учун, энг аввало мазкур жараённинг моҳиятини тўла англаб олиш лозим. Шу боис қуйида ижтимоийлаштириш ва ижтимоийлашув тушунчаларини луғавий маъносини

ёритиш мақсадга мувофиқ бўлади. Манбаларда юқорида кўрсатилган ҳар икки тушунча ўзагини ижтимоий тушунчаси ташкил этиши ва бу тушунча латинча “sotsialis” сўздан олинган бўлиб, “ умумий”, “жамоавий” деган маъноларни билдириши таъкидланган. Мазкур тушунчалар мантиқий нуқтаи назардан шарҳланганда “инсонларнинг биргаликдаги ҳаёти, улар ўртасидаги муносабатлар ва ўзаро ҳаракатларининг турли шакллари билан боғлиқ барча жиҳатлари” мазмунини англатади. [3.]

Шунга кўра, ижтимоийлаштириш инсонни таълим тарбия жараёнида ижтимоий муносабатлар субъектлари (атрофидагилар–оила аъзолари, тенгдошлар, микро ва макро муҳит аъзолари, жамоатчилик) билан бирга жамиятда ҳаёт кечиришга тайёрлаш, унда маълум ижтимоий тажрибаларни ҳосил қилиш демакдир. Инсонни ижтимоийлаштириш узоқ муддатли, узлуксиз давом этувчи, кўп қиррали ва мураккаб жараён бўлиб, унинг бутун ҳаётини қамраб олади ва бу жараёнда муайян билимлар, ижтимоий ахлоқ мезонларига риоя қилиш кўникмалари, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат муносабати шакллантирилади.

Инсоннинг ижтимоийлашуви гарчи унинг бутун ҳаёти давомида рўй берса-да, бироқ, бу жараёнда энг қулай давр болалик ва ёшлик йиллари ҳисобланади.[3.] Зеро айнан шу даврларда инсон ижтимоий меъёрларни ўзлаштиради, уларни амал қилиш кўникмаларига эга бўлади, ижтимоий муносабатларга киришиш ва уларни мувофақиятли ташкил этиш тажрибасини ўзлаштиради.

Инсоннинг ижтимоийлашувида бир қатор омиллар, жумладан, ижтимоий-маданий омиллар, биологик омиллар, технологик омиллар, иқтисодий омиллар муҳим фактор ҳисобланади.

Ижтимоий-маданий омиллар–инсон онг-тафаккур ислоҳотларини ўтказишга маданий эҳтиёжларини қондиришга таъсир этувчи воситалардан иборат бўлади. Бу ўз навбатида ижтимоий-маданий тадбирлар орқали амалга оширилиб инсонларда ўзаро муносабатларда бадиий тафаккур маҳсули сифатида адабиёт, санъат ва маданият, миллий анъана ва қадриятлар, ижтимоий кўникмалар шаклида намоён бўлади.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг қуйидаги фикрларини келтириб ўтиш жоизки, “–Барчангиз гувоҳсиз, шу кунларда генератив мусиқа, сунъий интеллект ҳақидаги баҳслар қизгин тус олмоқда. Келажак мусиқасини энди фақат техника яратади, деган башоратлар илгари сурилмоқда. Лекин ҳаммамиз яхши биламизки, ҳар қандай мукамал техника воситаси ҳам тирик инсон нафасини, унинг юрак нодаларини, жонли овоз жозибасини, чинакам санъат ўрнини ҳеч қачон босолмайди. Ҳақиқий санъатни, соф ва боқий мусиқани фақат Парвардигори оламнинг марҳамати билан ҳазрати Инсон яратади. Сайёрамизда турли келишмовчилик ва қарама-қаршиликлар, уруш ва низолар авж олган таҳликали замонда, одамзот тобора ўз дунёсига ўралиб бораётган бир шароитда мусиқа инсонга инсонлигини эслатиб, унинг қалбида келажакка умид ва ишонч уйғотади. Мусиқа санъати маданий феномен сифатида янги авлодни тарбиялаш ва камолга етказиш борасида чексиз имкониятларга эгадир.” [1.]

Бу ўз ўзидан инсон ижтимоийлашувининг ижтимоий-маданий омилларини инсон тараққиётидаги ролини кўрсатиб турибди. Шунингдек, А. Маслоу ижодкорнинг саъй-ҳаракатлари изланиш ва танловдан иборат бўлиши билан бир қаторда ана шу танлов учун жавобгарлик масъулиятини ҳам англантишини кўрсатиб ўтган. Бу ўз ўзидан мазкур мажбуриятни ўз зиммасига олган ижодкор шахслар нафақат маънавий-ахлоқий кадриятларни ўзлаштириши, балки уларни ижод маҳсулидаги ўрнини ҳам англаб етиши лозим. [4.]

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан инсонларни ижтимоийлаштиришда ижтимоий-маданий омилларни қўллаш методологияси ишлаб чиқилди ва изчиллик билан ҳаётга тадбиқ этилмоқда.

Бу ёшларга эътиборни кучайтириш, уларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини оширишдан иборатдир.

Бу биринчидан, ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини оширишга, истеъдодини юзага чиқаришга хизмат қилади.

Иккинчидан, ёшларни жисмоний чиниқтириш, уларнинг спорт соҳасида қобилиятини намоён қилишлари учун зарур шароитлар яратишга йўналтирилган.

Учинчидан, аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этишга қаратилган.

Тўртинчидан, ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этишга йўналтирилган.

Бешинчидан, хотин-қизларни иш билан таъминлаш масалаларини назарда тутади.

Инсонларнинг ижтимоийлашувида ижтимоий-маданий омиллар бир қатор институтционлашган тузилмаларнинг фаолиятида намоён бўлади. Жумладан, таълим муассасаси, хусусан, мактабдан ташқари таълим муассасаси, маданият марказлари, нодавлат ноижорат ташкилотлари жамият аъзоларининг маданий эҳтиёжларини қондиришга, бўш вақтларини мақсадли ташкил этиш, ёш авлодни бадиий тафаккурини юксалтириш, бадиий эстетик жиҳатдан тарбиялашни ўз зиммасига олади. Масалан, мактабдан ташқари таълим –ўқувчиларнинг қизиқишлари ва қобилиятларини ривожлантириш, бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича таълим-тарбия фаолиятига йўналтирилган таълим тури ҳисобланиб, болалар ва ўсмирларнинг эҳтиёжларини қондириш, уларнинг бўш вақти ва дам олишини ташкил этиш учун давлат органлари, нодавлат ноижорат ташкилотлари, шунингдек, бошқа юридик ва жисмоний шахслар маданий-эстетик, илмий, техникавий, спорт ва бошқа йўналишларда мактабдан ташқари таълим ташкилотлари томонидан амалга оширилади. Мактабдан ташқари таълим узлуксиз таълим тизимининг таркибий қисми сифатида болалар ва ўсмирларнинг, шунингдек, ҳамда жисмоний ва руҳий ривожланишида нуқсонли бўлган болаларнинг истеъдоди ва қобилиятини ривожлантириш, уларнинг манфаатлари, маънавий

эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган. Мактабдан ташқари таълим ташкилотларига болалар, ўсмирлар ижодиёти саройлари, уйлари, клублари ва марказлари, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, болалар мусиқа ва санъат мактаблари, студиялар, ахборот-кутубхона, соғломлаштириш муассасалари ва бошқа таълим ташкилотлари киради ва 6 ёшдан 16 ёшгача бўлган аҳоли қатламини қамраб олади.

Аҳолининг ижтимоийлашувида фаол иштирок этувчи ва энг самарали институтционлашган тузилмаларидан бири бу маданият марказлари бўлиб, қуйидагилар марказнинг асосий вазифалари хисобланади:

– аҳолига маданий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, уларнинг маданий эҳтиёжларини қондириш ва бўш вақтларининг мазмунли ўтишини таъминлаш, ижодий жамоаларнинг миллий қадрият, урф-одат ва анъаналарни ўзида мужассам этган намунали дастурларини шакллантириш;

– халқ ижодиёти ва бадий ҳаваскорлик санъатини сақлаб қолиш ва ривожлантириш, бадий ва амалий ижодий жамоалар, ҳаваскорлик гуруҳларини ташкил этиш ва уларнинг фаолият юритиши учун қулай шарт-шароит яратиш ҳамда ижодий жараёни тизимли равишда бойитиб бориш;

– болаларни тўғарақларга жалб этиш, хорижий тилларни ўрганиш ва «нутқ маданияти» бўйича курсларни ташкил этиш, халқ ижодиётининг барча жанр ва йўналишлари, ҳаваскорлик санъати ва номоддий маданий меросни кенг тарғиб қилиш ҳамда уларни асл ҳолича келажак авлодга етказиш;

– адабиёт ҳамда санъат арбоблари ва профессионал ижодий гуруҳлар билан маънавий-маърифий, маданий-оммавий тадбирлар ташкил этиб, улар иштирокида аҳоли, хусусан, ёшлар билан бевосита бадий учрашувлар ва давра суҳбатларини ўтказиш;

– танловлар, халқ ижодиёти ва томоша санъатининг туман (шаҳар) миқёсидаги фестивалларини ўтказиш, иқтидорли ёшларни аниқлаш, ижодкор ёшларни қўллаб-қувватлаш;

– оммавий байрам, томоша ва халқ сайилларини ташкиллаштириш, ижтимоий-маданий соҳада юридик ва жисмоний шахслар билан тузилган шартномалар бўйича уларга пулли хизматлар кўрсатиш. [2.]

Бу вазифаларни тўлақонли адо этилиши инсонларнинг маданий эҳтиёжларини қондирилиши баробарида уларнинг ижтимоийлашув жараёнига салмоқли таъсир этади. Бунда эса маънавий-маърифий ишларнинг алоҳида ўрни бор. Ўзбекистон Республикасида маънавий-маърифий ишларни биринчи навбатда жамиятнинг кичик ёшли аъзолари яъни, болалар, ёшлар ўртасида ташкил этилиши бугунги таълим ва тарбия соҳасидаги ислохотларнинг самарадорлигини таъминлаши шубҳасиз. Бунда эса болалар ва ёшлар ўртасида ўтказилаётган кўрик-танлов ва фестивалларни ўрни жуда муҳим. Шу ўринда маданий тадбирлар, хусусан кўрик-танлов воситасида болалар ва ёшларда рўй берадиган ижтимоий ходисаларни таҳлил қилиб ўтсак. Биринчидан, кўрик-танлов мазмуни болалар ва ёшларни муайян билим ва кўникмани эгаллашини таъминлайди.

Иккинчидан, кўрик-танлов иштирокчилари ўртасидаги рақобат муҳити ўқувчи ёшларни рақобатбардошлигини ошириб, синовлар олдида бош эгмаслик туйғусини ошириб, мафкуравий курашувчанлик қобилиятинини юзага чиқаради.

Учинчидан, кўрик-танлов шартлари асосида иштирокчи ҳаётий позициясига эга бўлади. Чунки у даврда ўз ҳаёти ва ижтимоий ҳаётдаги инсоннинг муайян ҳаёт даражасини гавдалантиради. Айни мана шу ҳаётнинг нуқтаси ҳақида тасаввурлари шаклланади. Ўз ролини англай бошлайди.

Тўртинчидан, ўқувчи ёшларда ташкилотчилик ва етакчилик қобилиятлари шаклланиб, болаликка ҳос жиҳатлар ўрнини шахсга ҳос масъулият эгаллай бошлайди.

Бешинчидан, болалар ва ёшлар кўрик-танлов жараёнида барча ижтимоий муаммоларини унутиб, кўрик-танлов шартларини ҳаётий қоида сифатида қарайдилар ва тайёрланадилар. Бу жараёнда уларнинг онг тафаккури кераксиз ахборотлардан ҳоли бўлади ва хотира мустаҳкамланади.

Олтинчидан, ҳар қандай кўрик-танлов муайян тасдиқланган низом асосида ташкил этилиб иштирокчиларни унинг қоидаларига риоя қилишлари талаб этилади. Бу эса ўқувчи-ёшларни жамиятда қонун-қоидалар асосида ўз ҳаётини ташкил этиш имконини беради. Ўқувчи ёшларнинг ҳуқуқий маданиятининг шаклланишига ҳам хизмат қилади.

Бу хусусиятлар ўқувчи ёшларни билим олиш имкониятларини кенгайтириш билан бир қаторда ижтимоий ва хиссий ривожланишига ҳам муҳим шарт-шароит яратади.

Хулоса қилиб айтганда, инсоннинг ижтимоийлашув жараёнида ижтимоий-маданий омиллар нафақат инсоннинг онг тафаккурини балки характерини шаклланишида ҳам фаол иштирок этади. Шунингдек, инсон жамиятдаги ижтимоий меъёрларни ўзлаштириб боради ва ўзгарувчан стратигларни такомиллаштириб инсонни тараққиёт сари етаклайди. Провард натижада жамиятда комил инсон шаклланади.

References:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti SHavkat Mirziyoevning "SHarq taronalari" o'n ikkinchi xalqaro musiqa festivalining ochilishiga bag'ishlangan tantanali marosimdagi tabrik so'zi.// Xalq so'zi 26 avgust 2019 yil
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekiston Respublikasida milliy madaniyatni yanada rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to'g'risida"gi qarori//Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 30.11.2018 y., 07/18/4038/2243-son
3. Sotsialnaya pedagogika. Kurs leksiy/ Uchebnoe posobie dlya stud vissh. Ucheb. Zavedeniy. Pod. Obsh. Red M.A.Galaguzovoy.-Moskva: Gumanit.izd. sentr Vlados, 2001. –S. 53.
4. Maslou A. Motivatsiya i lichnost.-Sankt-Peterburg: Evraziya, 1999,-S. 246.